



УНАБИ КЎЧАТИНИ ПАЙВАНДЛАШ ТУРЛАРИ ВА КЎЧАТЛАРНИ БОҚҚА ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ УСУЛЛАРИ

Собирова Мохинур Зокиржон қизи

магистрант

Намозов Ихтиёр Чориевич

қ.х.ф.ф.-д., доцент

Тошкент давлат аграр университети

Собиров Бекзод Бекмурод ўғли

катта илмий ходим

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10004649>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 04-October 2023 yil
Ma'qullandi: 08- October 2023 yil
Nashr qilindi: 14- October 2023 yil

KEY WORDS

Унаби кўчатларини пайвандлаш, пайвандлаш турлари, кўчатларни боққа экишга тайёрлаш усуллари.

ABSTRACT

Ушбу мақолада Тошкент вилояти шароитида Унаби уруғ кўчатларини пайвандлаш ва кўчатларни боққа экишга тайёрлаш усуллари бўйича таърифлар келтирилган. Унаби ўсимлиги уруғидан етиштирилади кейинчалик кўчатзорларда, одатда, кўчатпайвандтаглари етиштирилади. Танлаб олинадиган майдон текис, сув билан яхши таминланган, бегона ўтлардан тоза бўлиш кераклиги тўғрисида олиб борилаётган илмий-амалий тадқиқотларнинг натижалари асосида тўпланган маълумотлар ёритилган.

Ўзбекистонда мева экинлари асосан пайванд усули билан кўпайтирилади. Куртак пайванд мева дарахтларини пайвандлашда айниқса кўп тарқалган усулдир. Куртак пайванд мева дарахтларини пайвандлашда энг кўп тарқалаган усулдир. Куртак пайванд каламча пайвандга қараганда куйидаги афзалликларга эга: куртаклар яхшироқ қарайиб 100% тутати, меҳнат унумдорлиги ошади, куртак пайванд қилиш осон бўлгани сабабли уни тезроқ ўрганиб олиш мумкин, куртак пайванд учун каламчалар камрок сарфланади, куртаклар пайвандтагга мустаҳкам уланиб қолади, пайвандтаглар камрок шикастланади ва «яраси» тезроқ битади, куртак пайванд қилинганда боғ замаскаси талаб қилинмайди.[8-36-37 б]

Пайвандлаш турлари: 1-куртак пайвандлаш; 2-қаламча усулда пайвандлаш; 3-ёрма пайвандлаш; 4-ёнидан пайвандлаш; 5-искана пайвандлаш.

-қалқаонча кесиб олинаётганда пайванд қилинаётган куртак жойи чуқурроқ кесилиши керак. Акс холда куртакни жарохатлаб қўйиш мумкин.

В-. С-. D-. E-. J-.

Куртак 3 усулда: ёғочлиги билан, ёғочсизлик ва найчаси билан пайванд қилинади. Ёғочли билан яширин ва ниш урган куртак пайванд қилинади.

Пайвандтаг ўзи яшайдиган, илдизлари бақувват яхши, таралган бўлиб, сўриш кучи юқори ҳамда ҳар-хил зараркунанда ва кассалликларга имкони борида чидамли бўлиши керак.

Куртак пайванд тутмаган уруғ кўчатларни яхшиси каламча пайванд қилиш керак. Улашнинг куртак пайванд қилишни афзаллиги шундаки, бунда каламчалар куртакларга нисбатан эртарок ўса бошлайди, булардан баъзиларини шира ҳаракати бошлангўнга қадар кулланиш мумкин. Шунинг учун куртак пайванд тутмай қолган бундай турларга каламча пайванд қилганини маъқулроқдир. [9-20-23 б]

Амалда каламча пайванднинг куйидаги усуллари кўпроқ кулланилади.

- оддий каламча пайванд
- кундирма ёки «эгарча» пайванд
- искана пайванд
- тилма пайванд
- пустлок остига пайванд
- куш ёки оралиқ пайванд

Унаби учун энг яхши пайвандтаг унабининг Мелькоплодный нави ҳисобланади.

Остонакулов Т., Ахмеджанов Ж ларнинг фикрига кўра Маданий нав ўсимлигининг битта ёки иккита куртакни бироз пўстлоқ ва юпқа ёғочлиги билан кесиб олиб, пайвандтакка улашни *куртак пайванд* деб аталади. *Куртак пайванд* июл охиридан бошлаб сентябр ўрталаригача, ҳали ўсимлик танасида ширалар юриб куртак, яъни пайвандтаг пўстлоғи яхши кўчадиган даврда қилинади. Пайвандтаг пўстлоғини яхши кўчиши учун пайвандлашдан 4-5 кун олдин кўчатзорларни суғориш керак. Куртак пайванд қилинган вақтда пайвандтагларни пўстлоғи ёғочлигидан яхши ажраладиган бўлиши керак. Пайвандтагларининг илдиз бўғзи ёнидаги поялари одатда оддий қаламдан ингичка бўлмаслиги илдиз бўғзидан 20 - 25 см гача бўлган юқори қисмида ён новдалари бўлмаслиги лозим. Куртак пайванд дастлаб бодомдан бошланади, кейин нок, олхўри, гилос, олча, ўрик, шафтоли, тоғолча ва беҳилар пайванд қилинади. Куртак пайванд махсус пичоқ билан қилинади. Пичоқ ўткир ва тоза бўлиши лозим. Пайвандтакка новдадаги энг яхши куртак қўйилади. Юпқа ёғочлиги билан бирга қўшиб кесилган куртак пўстлоғининг узунлиги 2,5-3 см бўлиши керак. Куртакни олишда пайвандга новданинг ингичка томонини ўзига қаратиб кафтига олиб, 4 та бармоғи билан уни сиқиб ушлайди. Унда кўрсаткич бармоқ кесиладиган куртак остидан тираб туради. Ўнг қўлнинг тўрт бармоғи билан пичоқни ушлаб, бош бармоқни новдага тираб туриб, пичоқ билан куртакнинг 1,5 см пастидан 1,5 см юқоридан новда пўсти кўндалангига кесилади. Сўнггра пичоқ учи ётқизилган ҳолда новда бўйлаб то биринчи кесикка етгунча юритилади. Шунда бироз ёғочлик билан бирга пўстлоқ ва куртак кўчиб новда ажралади. Куртакни пўстлоғи билан пайвандтакка қўйиш учун уруғ кўчатнинг шимолга қараб турган томонидан илдиз бўғзининг 3-4 см юқоридаги силлиқроқ жойи Т шаклида тилинади. Куртак қўйилгандан кейин кўрсаткич бармоқлар билан икки қўлда пўстлоқ пастдан юқорисигача босиб чиқилади. Уланган куртак пўстлоқлари нормал шароитда икки ҳафтада ўсиб уруғ кўчатга қўшилиб кетади. Уланган куртаклар келгуси йил баҳорда ўсади. Самарқанд, 2015 [14-3-56 б], [15-11-105 б]

Тошкент вилояти шароитида унаби уруғ кўчатларида куртак пайванд ўтказишнинг энг қулай муддати май ойи ҳисобланади ва бу муддатда қилинган пайвантларнинг тутувчанлиги 70 % ни ташкил қилади. Нисбатан кечиктирилиб август ойида қилинган пайвандларнинг тутувчанлиги жуда паст бўлиб 30 % дан ошмайди ва бунга сабаб пайвандуст новдаларининг ёғочлашиб қотиб қолишидир.

Май ойининг 2-3 декадаларида пайвандуст яшил новдаларининг узунлиги 15-20 см бўлиб, 4 – 5 куртак пайдо бўлгач бир йиллик пайвандтаглар яшил куртак билан ҳам пайванд қилиниши мумкин.

Пайвандуст қаламчалари эрталаб олиниб, пастки томони билан сувда сақланади. Пайванд қилишдан олдин пайвандтагни ярим бўйидан юқориси кесиб ташланади ва куртак пайванд барча мевалилар каби амалга оширилади.

Пайванд қилинган куртаклар 18-20 кундан кейин кўкара бошлайди ва шу вақтда пайванд куртагидан юқори қисми кесиб ташланади. Бу эса пайванд куртагининг янада тез ўсишига олиб келади ва кузгача кўчат тайёр бўлади.

Пайвандтагга пайванд қилинган куртагни қабул қилмаган (қуриши) тақдирда пайвандтагнинг тескари тарафидан дарҳол қайтадан пайванд қилинади. [16-75-76 б], [17-39-40 б]



Ўқув тажриба майдонида унаби кўчатини пайвандлаш усули (Тош ДАУ “Ахборот-маслахат маркази” (Extension center) М.Собирова 2023 й

Амалиётда яшил куртаклардан пайвант қилинганда уларнинг қабул қилиши (кўкариши) жуда юқори бўлиб 90-98 % бўлиши кузатилди. Ўртача ўтказилган пайванд миқдоридан 80-90 % стандарт кўчат олиш мумкин. Бу эса 1 га майдондан 25-30 минг дона кўчат олишни таъминлайди.

Унаби кўчатзори қаламча олинadиган она майдондан кўп узoқ бўлмаслиги лoзим чунки яшил қаламчалар сувда сақланишига қарамасдан қисқа вақтда ўз хусусиятларини йўқoтади. [6-57-58 б]

Қишки пайванд - мева ўсимликларини фақат баҳор ва кузда эмас қишда ҳам пайванд қилиш мумкин. Қишда уруғ кўчатларини ковлашда қишки пайванд учун уларнинг бақувватлари ажратилади ва новдалар тайёрланади. Улар совуқ бўлмайдиган бинода нам қумга кўмиб қуйилади. Қишки пайванд январда ёки февраль бошида исталган ёруғ бинода уланади. Бунда уруғ кўчатлар кўшилган жойидан олиниб илдизлари ювилиб, лой қумларидан тозаланади, сўнгра уларга пайванд уланади. Бунинг учун уруғ кўчатнинг илдиз бўғизи олдидан қийшиқ кесиб танаси олиб ташланади ва шундай йўғонликдаги новдани олиб, у ҳам қийшиқ кесилади. Сўнгра ҳар иккаласини кесигидан ёрма тилча чиқазилади, новда билан уруғ кўчат кесиклари бир-бирига уланади. Уланганда уларнинг тилчалари бир-бирининг орасига кириб туриши керак. Уланган жой лента ёки пўстлоқ тола билан маҳкам боғланади.

Пайвандланган кўчатлар 2 йилда асосий боққа экишга тайёр бўлади. Бунинг учун кейинги йилларда кўчатлар 2-3 марта ёввойи бачкилардан тозаланади. Қатор оралари суғоришдан сўнг култивация қилиниб озиклантирилади ва нав белгисига қараб шакл берилади. [5-14-15 б]

Унаби кўчатларини боққа экишга тайёрлаш усуллари: М.М. Комилова., Б.Х. Холмирзаевларнинг такидлашича Унаби кўчатини ўтқазишдан олдин чуқурга тупроқ ташланиб дунгача ҳосил қилинади. Кўчат утқазиш техникасини назорат козиқларга киритилади, тахтанинг ўртасидаги уйикка кўчат куйилади. Тажрибали ишчилар текис жойларда кўчат утқазиш техникасидан фойданланмайдилар, балки боғни режалашдаги сингари куз билан чамалаб ўтқазиладилар. Кўчатни икки ишчи утқазади. Бири кўчатни олиб, илдизларни тупроқ уюми устига тараб қуяди. Иккинчи ишчи чуқур атрофига бир текис қилиб юмшоқ тупроқ ташлайди, тупроқ илдизларига зич ёпишиб туриши учун уни босиб қуяди. Кўчат ўтқазилганда илдиз оғир тупроқли майдонларда ер юзидан 5-6 см, енгил тупроқли майдонларда эса 4-5 см юқори қилиб кўмилиши лозим. Шунда кўчат суғорилиб, тупроқ ўтиригандан кейин унинг илдиз бугзи кўчатзордагидек ер сатҳи билан баровар бўлиб қолади. Агар ўтқазилган дарахтнинг илдиз бугзи ер сатҳидан чуқурроқ кўмилса, тана пўстлоғи чириб кетиши мумкин. Бундай дарахтлар яхши ўсмайди, кам ҳосил беради, узок яшамайди. Анжир, анор, қора самородина қўшимча илдизлар чиқаради, шунинг учун чуқурроқ экиш мумкин. Кўчатлар ўтқазилгандан сўнгги барча агротехника тадбирлари кўчатларни тутқазишга қаратилган бўлади. [11-105-108 б] [13-3-20 б]

Хулоса: Юқорида келтирилган пайвандлаш усуллари унаби кўчатларини ҳосилдорлигини янада оширади ҳамда сифатли ҳосил олишни таъминлайди. Фитомасса кўпайишини янада оширади. Намлик ва ҳарорат барқарор ва мўтадил бўлиши эса ҳосилдорлик янада ошади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида». Президент қарори. – Тошкент, 2019 йил 20 март.
2. Мирзиёев Ш. ПФ-4947-сон. «Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида». Президент Фармони. – Тошкент, 2017 йил 7 феврал.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг № 539 сон. “Унаби дарахти экин майдонларини кўпайтириш тўғрисида”ги қарори. – Тошкент, 2013 йил 24 август.
4. Бўриев Х.Ч ва бошқалар. Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтқазишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси. Услубий қўлланма – Тошкент, 2014.
5. Ахмеджанов Ж., Нарзиева С., Шаптакова Е., Холмирзаев Б. Унаби навлари кучатларини тайёрлаш. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журналининг “AGRO ILM” иловаси. - Махсус сон, Тошкент, 2014. – Б. 14-15.
6. Ахмеджанов Ж., Нарзиева С., Санаев С., Холмирзаев Б.Характеристика сортов унаби. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журналининг “AGRO ILM” иловаси.-, 3 (31) сон. Тошкент, 2014. – Б. 57-58.
7. Ахмеджанов Ж., Холмирзаев-б.]; Комилова М., Санаев С. Маматов Б. Унаби уруғ

- кўчатларини етиштириш технологияси. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 6 сон. Тошкент, 2015. – Б. 43-44.
8. Ахмеджанов Ж., Санаев С., Нормуродов Д., Исматуллаев Х., Тожибоева З. “Баҳорда куртак пайванд қилинган унаби кўчатларининг сифат кўрсаткичларига баргдан қўшимча озиқлантиришнинг таъсири Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журналининг “AGRO ILM” иловаси 1 сон. 2016. – Б. 36-37.
9. Ахмеджанов Ж., Маматов-б. Тожибоева З. Унаби дарахтларида марказий ва ён шохларнинг ўсиши. “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишда қишлоқ хўжалик фани ютуқлари ва истиқболлари”. Республика илмий-амалий конференция тўплами, СамҚХИ, 2015 йил 20-21 ноябр, Самарқанд. – Б. 20-23.
10. Иванова Р.Б. Унаби в Средней Азии/ Р. Б. Иванова, Г. М. Семенова. -Москва: Агропромиздат, 1977. – 107 с.
11. Комилова М.М., Холмирзаев Б.Х., Исматуллаев Х.Т. Самарқанд вилояти шароитида чилон жийда кўчатларини етиштириш ва ўстириш хусусиятларини такомиллаштириш. “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишда қишлоқ хўжалик фани ютуқлари ва истиқболлари”. Республика илмий-амалий конференция тўплами, СамҚХИ, 2015 йил 20-21 ноябр, Самарқанд. – Б. 105-108.
12. Корзун Б.В., Лагошина А.Г. Результаты интродукции унаби (*Ziziphus jujube*) в условиях предгорной зоны Республики Адыгея // Субтропическое и декоративное садоводство: сб. науч. тр. ВНИИЦиСК, 2016. Вып. 59. – С. 60-67.
13. Мухаммедов, А.Х. Морфологические и биологические особенности челона-*Zizyphus jujuba* Mill. В связи с его культурой в Таджикистане: автореф. дис. канд. биол. наук / А.Х. Мухаммедов. – Душанбе, 1991. – С. 3-20.
14. Остонакулов Т., Ахмеджанов Ж., Нарзиева С. ва бошқ. Чилон жийда кўчатларини етиштириш технологияси ва боғ агротехникаси бўйича фермерлар учун қўлланма. Самарқанд, 2015. – Б. 3-56.
15. Остонакулов Т.Э., Ахмеджанов Ж., Холмирзаев Б. “Ўзбекистонда чилон жийда ўстириш технологияси”. Монография, 2016. – Б. 11-105.
16. Хошимов Ф., Хайдаров Б. Органоминерал ўғитларнинг унаби ҳосилдорлиги ва мева сифатига таъсири. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журналининг “AGRO ILM” иловаси-1 сон. Тошкент, 2018. – Б. 75-76.
17. Шаумаров Х.Б., Очилов М. Унаби (чилон жийда) кўчатларини жадал кўпайтириш. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №11, 2018. – Б. 39-40.